# БОҒДАН ТОПИЛГАН ХУМ

## ЁКИ ҲАЛОЛЛИКДАН ЯРАЛГАН БАХТ

Бу ажойиб воқеани болалигимда бобомдан эшитган эдим. Бобом эса боболаридан эшитган эканлар. Аллоҳга беадад шукурки, энди айтиб бериш навбати менга келди.

Довуччалар қинидан чиққан кезлар. Ариқ лабидаги ялпизлар шарқираб оқаётган сувнинг шўхликларидан чайқалиб, гир атрофга оромбахш бўй таратарди. Лекин ҳовуз бўйидаги супада ўтирган Аҳмаджонни табиат гўзаллиги қизиқтирмасди. У ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. Негаки, қарзини тўлаш муддати етганди. Шу боис ор қилиб, сўнгги вақтларда кўчага ҳам чиқмай қўйганди. Бугун эса биродари Авлиёотадан қарзига мўлжалланган маблағни олиб келиши керак эди, бироқ у негадир кечикаяпти. Ишқилиб, тинчликмикин?

Аҳмаджон бомдод намозини ўқиб, кеча Авлиёотадан қайтган маҳалладоши — Раҳматулланикига борди. Раҳматулла унинг биродари жиддий сабабларга кўра яқин орада кела олмаслигини айтди.

Энда қандай чора топмоқ керак? Лафз қилган-ку, ахир. Ёки шаҳар четидаги чорбоғини сотиб, қарзидан қутулсамикин? Йўқ, бу ақлга сиғмайдиган иш. Чорбоғ боболаридан қолган мерос, қолаверса, унда битган мевалар оиласини йил бўйи боқиб турибди. Лекин ваъдага вафо қилмаса, яна бўлмайди. Тўғри, ундан ҳеч ким қарзини қистаётгани йўқ, аммо ўзининг баҳорда қайтиб бераман, деган ваъдаси бор-да.

Аҳмаджоннинг ёдига орқа кўчалик Шамсиддин қорининг қайси куни тўйда «Бирорта дурустроқ боғ сотилса, олардим», деган гапи тушди. Пировардида, «Шовла кетса кетсин, обрў кетмасин, тирикчилик бир гап бўлар», деб ўрнидан қўзғалди.

Эртасига савдо пишди. Шамсиддин қори ҳозирча пулнинг ярмини, қолганини кузда, ҳосил пишиғида берадиган бўлди. Аҳмаджон кўч-кўронини кўтариб, оиласи билан шаҳар ҳовлига кўчди.

* * *

Шамсиддин қори боғни айланаркан, баҳри-дили очилиб, яйраб кетди. Болаларининг хурсандчиликлари ҳам чексиз эди. У тўнғичини чақирдида, ҳовлининг бир чеккасини кўрсатиб, кирўра кавлашни буюрди. Ўғли ярим одам бўйи кавламасданоқ тўхтаб, отасини чақирди. Ер қаъридан кичкинагина, аммо оғир хумча чиққанди.

Ота-бола хум оғзидаги латтани оҳиста ерга энгаштиришган эди, унинг ичидан сариқ тангалар тушди.

Ўғил анграйиб, қотиб қолди. Отаси эса шоша-пиша тангаларни териб, хумга қайта солиб, оғзини яна латта билан ёпди-да, йўлга отланиш лозимлигини айтди.

Ҳаял ўтмай, икки отлиқ топилмани олиб, анҳор бўйлаб йўртиб кетишди. Улар боғнинг эгасиникига етиб келишганда Аҳмаджон юмуш билан гузарга чиқиб кетган экан. Бироздан сўнг келиб, меҳмонлар билан кўришди, уларни ичкарига таклиф қилди. Бир пиёладан чой ичилгач, Шамсиддин қори юз берган воқеани ҳикоя қилиб берди. Кейин:

— Энди омонатингизни олиб қолинг, — деб хумчани Аҳмаджоннинг олдига қўйди.

Аҳмаджон бир меҳмонларга, бир хумга қараб:

— Кечирасизлар, мен буни ололмайман. Боғни сизга борлигича сотганман. Энди унинг эгаси сизсиз. Нима чиқса, шариатга кўра, у сизники, — деди. Ҳар қанча гап-сўзга қарамай, топилмани олмади.

Ота-бола ноилож хумни кўтариб, ортларига қайтдилар...

* * *

Шамсиддин қори мадраса тупроғини ялаган, оқу қоранинг фарқига борадиган, ҳалолликда танилган, номи етти маҳаллага маълум тожирлардан эди. У текин топилган даромад барибир сингмайди, устига охиратини ҳам куйдиради, деган ақидага сидқидилдан ишонарди. Тақдирни қарангки, ўзининг бошига шундай савдо тушиб турса. Тағин бу олтинларнинг қандай топилганини, нима мақсадда йиғилганини ҳеч ким билмаса.

Эртасига эрта билан у қозикалон Муҳаммад Шариф ҳузурига борди. Қозикалон Шамсиддин қори билан мадрасада бирга таҳсил олган эди, уни хуштавозе билан кутиб олди, ҳол-аҳвол сўради. Бўлган воқеани эшитгач, хум топилган жойни кўриб, батафсил танишиш учун ходимларидан бирини ажратди.

Иш эртасига икки тараф иштирокида кўрилди. Аҳмаджон қозихонага мажбуран келтирилди. Қозининг ишораси билан сўз бошлаган мирза бор гапни батафсил тушунтирди. Сўнг томонлар эшитилди. Қози топилмани боғнинг янги эгаси Шамсиддин қорига тегишли, деб ҳукм чиқарди. Аҳмаджоннинг кўнгли таскин топиб, уйга кетди. Шамсиддин қорининг эътирози эса инобатга олинмади.

Орадан бир кун ўтгач, кечки пайт Шамсиддин қори қози Муҳаммад Шарифникига меҳмонга бостириб борди. Мезбон бу ташриф бежиз эмаслигини кўнглидан ўтказса-да, сир бой бермади. Улар узоқ вақтгача ширин суҳбат қуриб, талабалик йилларини эслашди, ўша пайтларда севиб ёд олишган ғазалу рубоийларидан ўқишди. Меҳмонхона тўрида осиғлиқ турган тамбур ҳам қўлга олинди. Мезбон дилга яқин куйлардан чалиб берди. Меҳмон, барибир, юрак ютиб нима мақсадда келганини айтолмади. Уни шундай юк босган эдики, кетар чоғида ҳар гал бир сакраб минадиган отига зўрға кўтарилди.

Муҳаммад Шариф меҳмон кеттанидан сўнг, ўйчан бир ҳолатда босиб-босиб чой ичди, хуфтон намозини ўқиб, Қуръон тиловат қилди, китоб варақлади. Бироқ хаёлидан Шамсиддиннинг мунгли нигоҳи кетмади. У гўёки, «тақсир, не-не чигал муаммоларга ечим топган қозикалон бўлсангизу, менинг масаламни ҳал қилиб беролмайсизми?» деб таъна қилаётгандай эди.

Қозикалон эртаси куни ишга одатдагидан барвақтроқ келиб, хум масаласи билан шуғулланган мирзани ҳузурига чақирди:

— Кеча кўрилган иш бўйича сизга ўта муҳим топшириқ бор. Биринчидан боғ тарихини ўргансангиз. У Аҳмаджон Валижон ўғлига кимдан ва қай тарзда мерос қолган? Бундан ташқари, Аҳмаджон билан Шамсиддиннинг оила аъзолари ҳақида суриштириб кўрсангиз. Қолгани ўзингизга ҳавола, нима керак бўлса, ҳаммасини ҳозирланг.

Уч кундан сўнг мирза тегишли далилларни тўплаб, қозикалонга ҳисобот берди:

— Боғнинг кун ботар этагида бир қария яшар экан. У кишининг гувоҳлик беришича, боғ Аҳмаджоннинг отаси раҳматлига отасидан мерос қолган экан. Бунга ҳужжатлар ҳам бор, текшириб кўрдим. Оқсоқолнинг айтишича, Аҳмаджоннинг ота авлодлари заргар ўтишган. Лекин у бу касб этагидан тутмаган. Сабаби — отасидан ёш қолиб, тоғалари қўлида кўнчиликни касб қилган. Аҳмаджоннинг отаси бандаликни сафарда тўсатдан бажо келтириб, васият қилолмай, кўп нарсаси кўчада қолиб кетган. Лекин у билан хизмат юзасидан олди-берди қилган касбдошлари унинг болаларини баҳоли қудрат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, раҳматлига тегишли маблағларни топшириб, рози қилишган. Аҳмаджоннинг оилавий шароитига келсак, хотини ва олти фарзанди бор. Тўнғичи қиз, ўн тўрт ёшда, маҳалладаги отин ойида таҳсил кўрган, онасидан чеварликни ўрганган.

Шу ерга келганда қози ялт этиб мирзага қаради-да:

— «Яхши, қани Шамсиддин Фахриддин ўғли оиласи тўғрисида нималарни аниқладингиз? — деди.

Мирза қўлидаги қоғозларни варақлаб, ўқий кетди:

— Шамсиддин Фахриддин ўғлининг саккиз фарзанди бўлиб, каттаси ўғил, ҳозир ўн етти ёшда, «Кўкалдош» мадрасаси талабаси...

Қозикалоннинг юзига қизиллик югуриб, чеҳраси очилди. Кўнглидан «Топганинг тўйига буюрсин дейишган экан-да, ҳалол экан», деган фикрни ўтказди. Кейин мирзага қараб деди:

— Хўп, ҳозирча бўлади. Пешиндан кейин маҳалла элликбошисини менинг ҳузуримга таклиф этсангиз.

Мирза қозикалоннинг мудаосини тушунолмай қолди: бу ишга элликбошининг нима дахли бор? Қолаверса, уч кун овора бўлиб тайёрлаган маълумотларининг ҳали ҳаммасини айтиб улгурмаган эди.

* * *

Элликбоши келганда иссиқ тобида эди. Муҳаммад Шариф уни иззат билан тўрга таклиф этди. Фотиҳадан сўнг мақсадга ўтиб, элликбошига ўз режасини тушунтирди. Суҳбатдошига унинг орзу-нияти жуда маъқул тушди. Қозикалон фақат жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирди.

* * *

Ўша оқшом сурнай навоси узоқ-узоқларга таралди. Қарияларнинг фотиҳасини олишгач, куёвнавкарлар отларга миниб, келинникига йўл олишди. Пахса деворлар орқасидан мўралаётган қиз-жувонлар куёвнинг алп қоматини кўриб, «Кўз тегмасин, кўҳлик келинга жуда-жуда мос экан, — дея шивирлашди.

Қудаларга тўн кийгизилганда биринчи бўлиб қозикалон Муҳаммад Шарифни йўқлашди. Ундан сўнг элликбошини. Тўй тўйдек ўтди.

Алқисса, боғдан топилган тилла тангалару қозикалон сабаб, Шамсиддин қори билан Аҳмаджон қуда бўлиб қолишди.

**Омонулло МУТАЛОВ**

> ***Дунё ўткинчи... Ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шундай савол инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади.***
>
> ***Ислом КАРИМОВ.***

# ШОҲИ ҲАМАДОН

Шарқда Амири Кабир, Сиёҳпуш, Ҳазрати Амиржон, Шоҳи Ҳамадон лақаблари билан шуҳрат қозонган, XIV аср сўфизм таълимотининг маърифати нафс, одоб ул-машойих, самоъ, сафар, шукр, ризо каби тармоқларини янада бойитишга муҳим ҳисса қўшган Мир Сайид Али Ҳамадоний 1314-1315-йиллар орасида Эроннинг Ҳамадон шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Отаси Сайид Шаҳобуддин Халифа Али ибн Абутолибнинг 17-авлодига бориб тақалади; онаси Фотима эса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг 17-шажарасига уланади.

Маърифатли хонадонда таваллуд топган Али Ҳамадоний мустақил илм ўрганади, отаси уни билимдон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор беради; 16 ёшида барча билимларни ўзлаштириб, тўла-тўкис сўфизм сари юз ўгирган Али Шайх Шарофиддин Маҳмуд Маздақонийдан (1364 йили вафот этган) сабоқ олишга киришади; кейинчалик эса шайх Али Дўстийдан билим ўрганади. Бу устозлар сўфизмнинг кубровия оқими намояндалари эдилар. Дўстий вафотидан сўнг Али яна Маздақоний ҳузурида ўқишни давом эттиради ва устози жаҳон асроридан мукаммал воқиф бўлмоқ учун юрт кўрмоқ, эл билмоқ, баҳру барда юрмоқ — сафар қилмоқ шартлигини айтади. Шундан сўнг Мир Сайид Али Ҳамадоний 21 йиллик сафарга чиқади: Шарқ ўлкаларини кезади, Ҳинду Покистонда бўлади. Ажаму Араб юртларини уч маротаба пиёда айланиб чиқади.

Шогирди Мавлоно Жаъфар Бадахшийнинг маълумотига кўра, Али Ҳамадоний 1372 йили Хатлон (Кўлоб)нинг Алишоҳ қишлоғига келиб жойлашади. Барча тадқиқотчилар буюк мутафаккир соҳибқирон Амир Темур билан бир неча марта учрашганини ёзиб қолдирган. Жумладан, у 1379 йил Хатлонда буюк жаҳонгир билан бўлган суҳбатида: «Кашмир вилоятига сафар қилиб, бу ўлка халқини исломга даъват этмоқчиман, шоядки улар мусулмон бўлишса», деб 700 муриду шогирди билан Кашмирга қараб жўнайди. Умуман, Кашмир минтақасида исломнинг тарқалишида бевосита Ҳамадонийнинг хизмати беқиёсдир. Олим томонидан қурдирилган Хонақоҳ ва жомеъ масжидининг ҳамон сақланиб келаётгани минтақа халқларининг унга бўлган меҳри нишонасидир. Умрининг охирги йилларини шу шаҳарда ўтказаётган бир замонда Ҳамадоний 1384 йили Хатлонга қараб йўлга чиқади, аммо ҳозирги Покистоннинг Похли шаҳрида касалга чалиниб, вафот этади. Кашмир султони олимни ўзи қурдирган Хонақоҳ ёнига дафн этмоқчи бўлади. Аммо васиятига кўра шогирд ва муридлари жасадни Кўлобга элтиб, ўзи севган қишлоққа дафн этадилар. Шунинг учун таниқли олим Яъқуб Сарфий: «Али Ҳамадонда туғилди-ю Хатлонни Ватан этди», деб ёзган. Эрон олими Парвиз Азкоий: «Али Ҳамадоний умрининг 50 йилдан зиёдини дунё кезишда ўтказди, аммо сафарнома ёзиб қолдирмади. У қалпоқ тикиш билан кун кўрар эди», деб қайд қилади. Кашмирда ўзига хос сўфизм мактабини яратганлигини таъкидлайди.

Қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Али Ҳамадонийдан бизга ғазал ва рубоийлардан иборат ихчам шеърлар тўпламининг катта-кичик илмий-назарий рисолалар мерос бўлиб қолган. Шогирдларининг ёзишича, олим шеърларини қирқ нафар муридининг илтимосига кўра ёзган экан. Манбаларда унинг илмий китобларининг сони 170 та деб кўрсатилади. Уларнинг кўпчилиги дунёнинг яратилиши, моддийлиги, ишқ-муҳаббат, давлат-идора усуллари, ўз-ўзини таниш, нафс маърифати, шайхлар одоби, жавонмардлик шартлари, комил инсон, фано ва бақо, адолат, сабр, ризо, шукр, ирода, маърифат, мавжудот зинапоялари каби фалсафий масалаларга бағишланган.

Аксарият Шарқ машойихлари сингари Али Ҳамадоний дунёқарашининг асосини ҳам мол-дунёга ҳой-ҳавас, мансаб-мартабага ҳирс қўймай, ўз ҳунари, қўл кучи эвазига ризқ-рўзи топиб, борини бева-бечоралар билан баҳам кўриб, йўғига шукр қилиб яшаш ғояси ташкил этади. У ҳақ йўлида билим эгаллаш, риёзат чекиб сафар қилиш комиллик шартларини бажаришнинг илк зинаси, деб билган. Шунинг учун ҳам донишманднинг кўпчилик шогирди ва муридлари ният йўлида фидойилик кўрсатиб, ҳамиша сафарларда унга ҳамроҳу ҳамдам бўлган. Шогирдлари ҳам бирор касбни эгаллаб, фақат ўз кучлари эвазига ризқу рўзини топиб яшаган. Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, Али Ҳамадоний китобларининг кўпчилиги назарий жиҳатдан кўра кўпроқ амалий аҳамиятта, таълим-тарбиявий моҳиятта эгадир. Қуйида сиз Ҳамадоний ҳақидаги ривоятлардан ўқийсиз.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

### Жума ўгитлари

# РИВОЯТЛАР

Шоҳ Нуриддин Неъматулло Вали ҳазрати Мирни кўргани борганларида у киши бетоб эканлар. Шунда бошларидаги саллаларини олиб, шайхнинг муридларидан бирига бериб дебдилар:

— Буни пирингга элтгин, пайтава қилсинлар ва ўз пайтаваларини лутфан берсинлар, мен салла қилиб ўрайман.

***

Ҳамадон дарвешлари тонгги ибодат ва бошқа хизматларни адо этиб бўлгач, оғир жисмоний меҳнатларни бажаришга мажбур қилинарканлар. Бундай меҳнат Ҳамадоний зиммасига ҳам тушган экан.

Кунлардан бир кун Ҳамадоний бир дарвеш билан устозлари шайх Ахий (Али Дўстий — Ҳ. Ҳ.) амри билан оғир тошларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш мажбуриятини бажаришаркан. Иттифоқо Ҳамадоний шундай оғир харсангларни бир жойдан бошқа жойга олиб бориб-олиб келишнинг нима фойдаси бор, деб сўраб қолибди. Шайх бу сўровдан ранжиб, асабийлашиб, ковушини оёғидан ечибди-да, шогирднинг юмшоқ жойига бор кучи билан туриширибди ва дебди: «Бунинг фойдаси шуки, куфр сўзни ҳаргиз айтмагайсан». «Кафш шу қадар қаттиқ тегдики, наъли баданимга ботиб қолиб, овози ҳамон қулоғим остида жаранглайди», деб нақл қилиб юраркан Ҳамадоний.

***

Ҳамадоний нақл этибдур: ҳаж сафарим ўн ой давом этди. Қаерда дам олиб ётсам, ҳақ субаҳонаҳу таолодан «Тур, халқни исломга даъват эт!» деган нидо келарди. Шунинг учун бирон манзилда муқим турмадим, бирон шаҳарда икки ойдан зиёд яшамадим.

***

Кашмир подшоҳи Султон Аловуддин тушида офтобнинг жанубдан чиққанини кўрибди. Шоҳ будда уламоларини йиғиб туши таъбирини сўрабди. «Эй подшоҳ, — дебди улар, — Мовароуннаҳр заминидан бир киши келиб ҳаммамизни мусулмон қилади». Ҳақиқатан ҳам Али Ҳамадоний Кашмирга бориб, бутун халқни исломга даъват этибди.

***

Нақл этишларича, Али Ҳамадоний бир сафар 700 нафар эронлик сайидлар билан Кашмирга борибди. У ўз дўстлари ва яқинлари билан Алоуддин маҳалласидаги Абҳат (ҳозирги Чаҳрам) анҳори соҳилига жойлашибди. (Кейинчалик ана шу манзилда Шоҳи Ҳамадон номли Хонақоҳ ва Жомеъ масжиди бунёд этилган). Ҳар куни Ҳамадоний аср намозидан сўнг бир баландликда одамларга ваъз айтиб, уни маҳаллий тилга таржима қилдирар экан. У оддий халққагина эмас, ҳинд ва будда уламоларига ҳам ваъз айтаркан. Баъзан бундай мажлислар баҳсу мунозарага айланиб, шайх ўз ақл-заковати, ўткир зеҳни, исломий тафаккури билан ғолиб келаркан. Натижада мажлис аҳлидан бир неча киши бир йўла исломни қабул этган кунлар ҳам бўлган экан.

***

Али Ҳамадоний ҳалол ризқ топиб ейиш учун қалпоқ тикиш билан машғул бўларди. Айтишларича, бу касб унга тушида башорат қилинган экан. Кунлардан бир кун у ўзи тиккан қалпоқлардан бирини Султон Қутбиддинга туҳфа қилибди. Қутбиддин ўша қалпоқни доим тожи остидан кийиб юрар экан. Бир юз қирқ йил давомида ўша шажара ҳукмронлари бу анъанани давом эттиришибди. Аммо Султон Фатҳшоҳ ўша қалпоқни ўз кафанига қўшиб дафн этишни васият қилибди. Токим шу қалпоқ туфайли гўр азобию қиёмат заҳмати камроқ бўлсин, деб умид қилган экан. Шундай қилишибди. Машҳур донишманд Мавлоно Муҳаммад Они бу ишнинг хунук оқибатини қуйидагича нақл эттан: давлат ва салтанат Шамсуддин хонадонидан бошқанинг қўлига ўтажак. Шундай ҳам бўлибди. Нақл этишларича, Ҳамадоний кулоҳи дафн этилгандан 37 йил ўтгач, Ғозичак номли бир баҳодир майдонга чиқиб, шоҳамбарий шажарасига барҳам бериб, тарих майдонига чаклар сулоласини чиқазибди ва улар 23 йил ҳукмронлик қилиб, Акбаршоҳ зарбаси таъсирида қулабди.

***

«Мастурот» китоби муаллифининг ёзишича, Балх ҳукмронларидан бири Сайид Ҳамадонийнинг илмий кучи, кароматтўйлик қудратига ишонмай, мис ва пўлатдан отлар ясатираркан-да «агар сен ўз қавлингдан қайтиб, менинг саройимга бўйин эгиб келмасанг, ана шу қизиб турган отлардан бирига ўтқизаман», деб сиёсат қиларкан. Лекин Сайид ҳақ йўлдан қайтмабди. Кунлардан бир кун подшоҳ қараса, ясаттирган барча отлари тупроққа айланиб қолибди. Қилмишидан пушаймон бўлган шоҳ Шайхга қўл бериб, мурид бўлибди.

***

Али Ҳамадоний 1383 йили учинчи марта Кашмирга сафар қилиб, 1384 йилнинг зилқаъдаси бошларигача ўша шаҳарда яшади. Шундан сўнг умра ёки ҳаж сафарига бормоқ мақсадида ватанга қайтади. Йўлда Похли шаҳрига тушади. Шаҳар ҳокими Шайхдан бир неча кун шу ерда яшаб, ўз маърузаларидан халқни баҳраманд этмоғини илтимос қилади. Сайид ўн кун давомида катта анжуманларда ваъз айтиб, халқни ўз маърифатидан баҳраманд эттач, йўлга тушибди. Йўлда касал бўлиб, беш кун ўтгач, вафот этибди.

***

Ҳайдари Бадахший «Мастурот» рисоласида шундай ёзади: Али Ҳамадоний Хатлондалигида Ҳазрати Расулуллоҳни тушида кўрган экан ва ул ҳазрат «Сенинг хокинг шу ерда бўлади», деб башорат қилган эканлар. Уйқудан турган Сайид бу башоратдан мамнун бўлибди. Чунки у ўзини шу шаҳарга қаттиқ боғлиқ, деб юрарди. Бу воқеани шайх муридларига айтиб берган ва уларнинг: «Сизнинг умр риштангиз қачон узилади», деб берган саволларига «мен мана шу воқеадан сўнг уч йилу бир кеча кундуз умр кўраман», дебди. Муридлари зор-зор йиғлашибди. Ҳақиқатан ҳам шайх ўзи айттан кунда вафот этибди.

***

Али Ҳамадоний вафотидан хабар топган Султон Қутбиддин жасадни Кашмирга элтиб дафн этиш учун одам юборибди. Похли ҳокими эса Сайидни ўз вилоятида дафн этмоқчи эди.

Хатлонлик муридлари эса устознинг жасадини, васиятига кўра, ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлишибди. Ҳар ҳолда орада қаттиқ тортишув рўй берибди. Мурдани ювибтараб, кафанга ўрагач, Шайхнинг мурид ва шогирдларидан бўлмиш Қавомиддин Бадахший дебди: «Кимдаким Шайхнинг мурдасини ўрнидан қимирлата олса, уни хоҳлаган ерига элтиб кўмиши мумкин». Бу гапдан ҳамма таажжубга тушибди. Кашмирликлар ва Похли халқи бирин-кетин Сайид Ҳамадоний жасадини кўтариб кетишга уриниб кўришибди. Лекин ҳеч ким ўрнидан қимирлата олмабди. Шундан сўнг шайх Қавомиддин Бадахший энди навбат бизга келди дебди-да, устози мурдасини бир ўзи икки қўлида даст кўтариб йўлга тушибди. Йиғилганлар ҳайрат бармоғини тишлаб, Шайхни Хатлонга элтишга монеълик қилмабдилар. Шундай қилиб, Али Ҳамадонийни ўзи севган Алишоҳ қишлоғига элтиб дафн этибдилар. Унинг мақбараси мўътабар зиёратгоҳ ҳисобланади.



# ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС

Фарзанд шундай бир ноёб гавҳарки, озгина эҳтиётсизлик, бепарволик қилсанг, унга дарз кетади, аслига қайтариш қийин бўлади. Шу боис донишмандлар азалдан бола тарбияси жуда оғир ва мураккаб жараён эканлигини таъкидлаб, унга жиддий эътибор бериш лозимлигини уқтирганлар. Бу ўгитларга амал қилмаган, фарзандининг юриш-туришини, хатти-ҳаракатларини ўз вақтида назорат қила олмай, кейин пушаймон бўлаётган ота-оналарнинг изтиробларидан эса фойда йўқ. Мана, бир неча мисол.

Адҳамнинг отаси узоқ йиллар Қаршидаги савдо ташкилотларига раҳбарлик қилди. Фарзандларининг яхши яшашлари ва ўқишлари учун уйда барча шарт-шароитларни яратиб берди. Аммо уларнинг тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйди. Оқибатда 1961 йилда туғилган ўғил қингир йўлларга кириб кетди. Бирор жойда ёлчитиб ишламади. Наркотик моддалар истеъмол қилишга ружу қўйди. Ҳали ўттиз ёшга кирмай туриб, кетма-кет тўрт марта жиноятга қўл урди ва турли муддатларга қамалди.

У охирги марта 1995 йилнинг 26 январига ўтар кечаси шаҳарнинг Оқ мачит кўчасидаги 8-«а» уйга — Рўзиевлар хонадонига девор ошиб, ўғирликка киради. Уй эгалари ухлаб ётганларидан фойдаланиб, «Восход-3М» русумли мотоциклни дарвозахонадан олиб чиқиб кетади. Сўнгра уни Бузруков кўчасидаги 9-уйда яшовчи таниши Ҳамдам Эшназаровнинг уйига олиб бориб, яшириб қўяди.

1995 йил 8 март куни Адҳам Каримов ички ишлар бўлими ходимлари томонидан гумонланиб, тинтув қилинганда ён чўнтагидан гиёвандлик моддаси топилади. Кейинчалик юқорида қайд қилинган ўғирликни содир этгани, наркотик моддалар истеъмол қилиш касалига мубтало бўлгани, даволанишга муҳтожлиги тасдиқланди. Айбдор Қарши шаҳар суди томонидан саккиз йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилди.

### Инсон, ахлоқ ва қонун

Хўш, Адҳамга нима етишмасди? Отасининг даромади яхши бўлса, егани олдида, емагани ортида бўлса, яна нима керак эди? Ҳеч нарса! Фақат битта энг керакли нарса — оилада фарзанд тарбиясига эътибор йўқ эди. Адҳамнинг дўстлари ким, ўқиши қандай, нима учун жон койитиб ишламайди, деган саволлар ота-онани ташвишга солмаганди. Бола парваришсиз дарахт мисол эгри ўсганди.

Отабек Тўраев 1979 йили Нишон туманида туғилган. У ҳам Адҳам сингари ҳеч қаерда ишламай, ўқимай юрган. Қарши шаҳар «Ғузор» кўчасидаги 3-уйнинг 6-квартирасида яшаган. У 1996 йилнинг 5 январи кечаси шу кўчада жойлашган Ҳусан Самадовга тегишли хусусий гўшт дўконидан 2410 сўмлик молларни ўғирлаб кетади. 17 январь кечаси эса Ўзбекистон шоҳкўчасидаги «Қилич» хусусий кичик корхонасига қарашли «Гўзал» савдо дўконидан 20965 сўмлик буюмларни ўмаради.

1966 йили Шаҳрисабз туманидаги Темирчи қишлоғида туғилган Муҳиддин Хўжаев ҳам бекорчилик туфайли жиноятга қўл урди. Шу йил 7 январ кечаси Қарши шаҳар «Коминтерн» кўчасидаги 10-уйда яшовчи таниши Одил Примов ишда, навбатчиликда бўлган пайти «дам оламан» деган илтимос билан унинг уйи калитини сўраб олади. Бу оқшом Одилнинг хотини, болалари қишлоққа кетган бўлишади. Муҳиддин ўзига мурувват кўрсатган таниши Одилга ҳиёнат қилади. Унинг уйидан жами 56334 сўмлик мол-мулкни ўғирлаб кетади. «Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга», деганлари эҳтимол шу бўлса керак.

Қаршилик Бахтиёр Худойназаров, Баҳром Мусаев, Дилшод Эргашев, ака-ука Отабек ва Азамат Эргашевлар эндигина 16—17 ёшни қоралаган ўсмирлар бўлишса-да, ўзаро тил бириктириб, бировларга тегишли бўлган молларни ўғирлашади. 1970 йили Когонда туғилган Исмоил Шойқулов эса ўзи яшайдиган Қарши шаҳрининг А. Раҳимбобоев кўчасидаги 8-уйга меҳмон бўлиб келган поччаси Дилшод Қодировни мастлик билан пичоқ уриб ўлдиради. Жиноятчиларнинг барчасига судлар томонидан қилмишларига яраша жазолар белгиланди.

Тўғри, ҳозир ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларини бошдан кечирмоқдамиз. Аммо бу ўғирлик, қотиллик, порахўрлик каби иллатларнинг авж олишига баҳона бўлолмайди. Чунки халқимиз бундан олдин ҳам оғир кунларни бошидан кечирган. Лекин ҳеч қачон иймон-эътиқодини йўқотмаган. Бас, шундай экан, тўқликка шўхлик қилаётган айрим бойвачча йигитларнинг ножўя хатти-ҳаракатларини асло кечириб бўлмайди.

**Холмамат ҲАСАНОВ,**
**Ҳамид БОБОҚУЛОВ,**
**Қарши шаҳар судининг судялари,**
**Норқул ТИЛОВ,**
**ўз мухбиримиз**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон. МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОД қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0570. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6